



ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ БАНК ИШИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Собиров Асқарбек Озодович,

“Ўзсаноатқурилишибанк” АТБ бош мутахассиси, Тошкент, Ўзбекистон.

E-mail:asqarbeksobirov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-2327-6670

PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION AND DEVELOPMENT OF ISLAM BANKING IN UZBEKISTAN

Sobirov Askarbek Ozodovich,

Chief specialist at JSCB “Uzbek Industrial and Construction Bank”, Tashkent, Uzbekistan

E-mail:asqarbeksobirov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-2327-6670

JEL Classification: E5, E58

Аннотация. Бугунги кунга келиб, Ислом банкчилиги жаҳон молия бозорининг муҳим ва ажралмас қисмига айланди. Дунё бўйлаб ушибу секторнинг ривожланиши унинг бозор улушининг тобора ортиб бораётганида ҳамда соҳадаги муассасалар ва ташаббусларнинг кўпайиб бораётганида яқъол намоён бўлади. Бироқ, мамлакатимизда ушибу соҳани тартибга солувчи қонунчилик асослари ҳамда мустаҳкам молиявий инфратузилма мавжуд эмаслиги мазкур соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда Ислом банки фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва бир нечта тижорат банкларида Исломий дарчаларни очиши бўйича айрим ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, ҳозиргача мамлакатда анъанавий банк фаолиятига муқобил бўлган Исломий молиявий воситаларни амалда қўллаш имконини берувчи тўлақонли Ислом банкчилигини жорий этиши учун асосий устувор йўналишилар ва вазифаларни ўзида акс эттирадиган Исломий молиялаштиришини ривожлантириши стратегияси мавжуд

эмас. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан Музораба ва Мушорака каби рискли молиявий воситалар амалда қўлланилмаган. Шу сабабли, бугунги кунда Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиши ва ривожлантириши амалиётини такомиллаштириши масаласи долзарб ва истиқболли вазифалардан биридир.

Мазкур мақолада Ислом банкчилигининг моҳияти, илмий-назарий асослари, Ислом банклари томонидан қўлланиладиган молиялаштириши воситалари, хорижий мамлакатларнинг Ислом банкчилигини жорий этиши ва ривожлантириши борасидаги тажрибаси, Ислом Тараққиёт банки ва унинг Гуруҳига кирувчи ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолияти таҳлили, Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиши бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили, Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этишидаги муаммолар ва Ўзбекистонда Ислом банкчилигини ривожлантириши амалиётини такомиллаштириши масалалари ёритилган. Шунингдек, мақолада

муаллиф томонидан юртимизда
Ислом банкчилигини жорий этиши ва
ривожлантириши юзасидан таклиф ва
тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси сифатида тасвирий статистика, гурухлаштириши, қиёсий таҳлил, динамик таҳлил ва SWOT-таҳлил каби усуllibаридан фойдаланилди. Мақола сўнгида Исломий молиялаштиришини жорий этиши ва ривожлантириши бўйича хорижий тажрибага асосланган Ислом банкчилигини жорий этиши ва ривожлантиришининг асосий йўналишиларини акс эттирувчи босқичлари ишлаб чиқилган.

Abstract. Today, Islamic banking has become an important and integral part of the global financial market. The development of this sector around the world is reflected in its growing market share and the growing number of institutions and initiatives in the field. However, the lack of a legal framework and a strong financial infrastructure in our country hinders the development of this sector.

Currently, some work is being done in Uzbekistan to create a legal framework for the Islamic banking and to open Islamic windows in several commercial banks. However, so far, the country does not have a strategy for the development of Islamic finance, which reflects the main priorities and tasks for the introduction of full-fledged Islamic banking, which allows the practical application of Islamic financial instruments as an alternative to traditional banking. Risky financial instruments such as Mudaraba and Musharaka have not been used by commercial banks in Uzbekistan. Therefore, today, the issue of improving the practice of the introduction and development of Islamic banking in

Uzbekistan is one of the most urgent and promising tasks.

This article analyzes the essence of Islamic banking, the scientific and theoretical basis, the means of financing used by Islamic banks, the experience of foreign countries in the introduction and development of Islamic banking, and the analysis of the Islamic Development Bank and its groups in Uzbekistan; problems in the introduction of Islamic banking in Uzbekistan; and improving the practice of developing Islamic banking in Uzbekistan. The article also contains suggestions and recommendations on the introduction and development of Islamic banking in our country.

Research methodologies such as descriptive statistics, grouping, comparative analysis, dynamic analysis, and SWOT-analysis were used as research methodologies. At the end of the article, the stages are developed that reflect the main directions of the introduction and development of Islamic banking, based on foreign experience in the introduction and development of Islamic finance.

Калим сўзлар: Ислом банкчилиги, анъанавий банкчилик, Ўзбекистон, Ислом Тараққиёт Банки, Ислом молиявий воситачилиги

Key words: Islamic banking, traditional banking, Uzbekistan, Islamic Development Bank, Islamic financial intermediation

Кириш. Бугунги кунга келиб, Ислом банкчилиги жаҳон молия бозорининг муҳим ва ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Дунё бўйлаб ушбу секторнинг ривожланиши унинг бозор улушининг тобора ортиб бораётганида ҳамда соҳадаги муассасалар ва ташаббусларнинг кўпайиб бораётганида

яққол намоён бўлади. Буни Ислом банкчилиги активларининг умумий ҳажми 2 трлн. АҚШ долларидан ортиб, унинг глобал банк активларидағи улуши 6% дан ошгани ҳам тасдиқлайди. Кўпгина анъанавий банклар, жумладан, айрим йирик трансмиллий банклар ҳам Исломий молиялаштириш усулларидан фойдаланаётгани Ислом банкчилигининг ҳаётийлигини исботлайди.

Бироқ, мамлакатимизда ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчилик асослари ҳамда мустаҳкам молиявий инфратузилма мавжуд эмаслиги мазкур соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шундай фикр билдириди: “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари эксперлари жалб этилади”[1].

Ўзбекистонда исломий молиялаштиришни жорий этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Мисол учун, мамлакатимиз олимларидан Ҳ.Ҳасанов [2] томонидан исломий молиялаштиришнинг назарий асослари, механизмлари, маҳсулотлари, шу соҳадаги халқаро ташкилотларга оид маълумотларни очиб берилган. Шунингдек, С.З.Аброров [3] томонидан Ўзбекистонда Сукук исломий молиялаштириш воситасини жорий этиш истиқболлари ўрганилган. Хорижлик

олимлардан А.З.Нагимова [4] томонидан МДҲда исломий молиялаштириш бозори ва уни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ва истиқболларни тадқиқ қилинган.


Юқоридаги олимларнинг асарлари ва тадқиқотлари, назарий қарашлари муҳим илмий-услубий манбалар бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги мавжуд вазият ва салоҳиятни инобатга олиб, Исломий молиялаштириш соҳасининг энг йирик сектори бўлган Ислом банкчилигини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари ҳали тўлиқлигича ўрганилмаган.

Материал ва метод. Ислом банкларида молиявий воситачилик анъанавий банклардан тубдан фарқ қиласди. Шариатда пулдан пул ишлаш ҳаром бўлганлиги сабабли, депозитлар ҳисобидан кредит бериш ва улардан фоиз кўринишида даромад олиш бўйича анъанавий молиявий воситачилик жараёни таъқиқланади. Исломий молиявий воситачиликда фоизлар фойда ва зарарни тақсимлаш билан алмаштирилади. Қуйидаги 1-жадвалда анъанавий ва Ислом банклари ўртасидаги фарқлар келтирилган.

Фойда ва зарарларни тақсимлашга (PLS) асосланган Исломий молиявий воситачиликда (1-расм) Ислом банклари анъанавий дебет-кредит тизими ўрнига икки босқичли *Музораба* концепциясидан фойдаланадилар.

Анъанавий ва Ислом банклари ўртасидаги фарқлар [5]


№	Омиллар	Анъанавий банкчилик	Ислом банкчилиги
	Рискни қабул килиш	Рискни омонатчилар ва қарз олувчилар ёки тадбиркорларга ўтказишга асосланади.	Рискни омонатчилар, банк ва қарз олувчилар ёки тадбиркорлар ўртасида тақсимлашга асосланади.
	Иқтисодий ёки ижтимоий йўналтирилганлик	Асосий эътибор иқтисодий фаровонлик ва фойдани максималлаштириш тамойилларига қаратилади.	Ижтимоий йўналтирилган бўлиб, тадбиркорликни рағбатлантириш, жамиятда адолат ва ҳаққонийликни тарғиб қилиш, ахлоқий, ижтимоий ва маънавий тамойилларга асосланади.
	Пулнинг баҳоси	Пулнинг вақт қиймати (фоиз каби) пулнинг баҳосидир.	Пул товар эмас ва унинг баҳоси йўқ.
	Белгиланган даромад ҳамда фойда ва зарарларни бўлишиш	Омонатчилар белгиланган фоизларни оладилар, омонатлар мажбурият бўлиб ҳисобланади.	Инвестицион ҳисобварагларнинг омонатчилари банкнинг шериклари бўлиб, фойда ва зарарни бўлишадилар; бу ҳисобвараглар ҳам қарз, ҳам капитал хусусиятларига эга.
	Омонат кафолати	Барча омонатлар кафолатланади.	Фақат жорий ҳисобварагларга кўйилган омонатлар кафолатланади.
	Даромад	Банкнинг бирламчи даромади у тақдим этадиган, реал иқтисодиётдан ажратилган қарзни молиялаштиришдан олинадиган белгиланган фоизлардан иборат.	Молиялаштириш реал сектор билан боғлиқ ва молиявий операциялардан даромад реал иқтисодиётдан келиб чиқади.
	Активга боғланганлик	Битимлар фақат молиявий бўлиши мумкин, бунда реал активлар билан боғланиш мажбурий бўлмайди.	Барча молиявий операциялар активларга асосланган ёки товар ва хизматлар алмашинувига асосланган активлар билан таъминланган бўлиши керак, бу эса тизимни янада барқарор қиласди.
	Банкларнинг ўлчами	Глобал анъанавий банкларнинг кўпчилиги жуда катта ҳажмга эга.	Кўпчилик Ислом банклари кичик ёки ўрта ҳажмлидир.
	Банк-мижоз муносабатлари	Кредитор ва қарздор ўртасидаги муносабатлардан иборат.	Шартнома турига қараб, шериклар, принципиал ва агент, инвестор ва менежер, харидор ва сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи бўлиши мумкин.
	Мажбуриятларни бажармаслик (тўловни амалга оширмаслик)	Кредитнинг қайтарилимаслиги мураккаб фоизлар ҳисоблаш орқали жазоланади.	Жарима ундирилмайди, қайтарилишни қоплаш харажатлари бундан мустасно, ҳар қандай қўшимча жарима, агар ундирилган бўлса, улар хайрия ишларига ўтказилиши керак.
	Чекловлар	Маблағларни инвестиция қилишга ва молиялаштириладиган лойиҳаларга чекловлар йўқ.	Фақат Шариатга мувофиқ инвестициялар ва лойиҳаларни молиялаштириш мумкин.



1-расм. Ислом молиявий воситачилиги [5]

Исломий молиявий воситачиликнинг ушбу моделига кўра, капитал тўлиқ бир тараф – *Раббул Мол* томонидан таъминланади ва бизнес корхонаси бошқа тараф – *Мудориб* томонидан бошқарилади. Биринчи босқичда, Ислом банки омонатчилар билан *Музораба* шартномасини тузади, унда омонатчилар *Раббул Мол*, банк эса *Мудориб* сифатида қатнашади. Иккинчи босқичда, Ислом банки маблағлардан фойдаланувчилар (қарз олувчилар ёки тадбиркорлар) билан иккинчи *Музораба* шартномасини тузади, бунда банк *Раббул Мол* сифатида иштирок этади ва маблағлардан фойдаланувчилар эса, *Мудориб* вазифасини бажаради. *Музорабанинг* ҳар бир босқичида, фойда олинган тақдирда, бизнесдан олинган фойда олдиндан келишилган нисбатда

тақсимланади, йўқотиш бўлган тақдирда эса, молиявий зарар фақат *Раббул Мол* ҳисобидан қопланади, *Мудориб* эса, фақат ушбу бизнес ташаббусида вақти ва кучини йўқотиши мумкин. Фойданি ҳисоблашда, биринчи навбатда, банк даромадидан маблағларни бошқариш билан боғлиқ операцион харажатларни чегириб ташлаш оркали соф фойда олинади. Кейин эса, соф фойдадан *Мудориб* ёки банкнинг фойдадаги улуши чегирилади ва қолдиқ сумма олдиндан белгиланган фойда нисбати бўйича омонатчилар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланади. Бу жараён мураккаб банк дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. Ушбу жараённинг тасвирий кўриниши кўйидаги 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ислом молиявий воситаилигида Музораба механизмининг кенгайтирилган тасвирий кўриниши [6]

Ислом банклари молиялаштиришини икки усулда амалга оширадилар:


1) *Активлар билан таъминланган молиялаштириши*. Бунда, барча битимлар мавжуд активларга асосланади. Буларга сотиш, савдо,ижара, инвестиция ёки тўловга асосланган шартномаларни киритиш мумкин.

2) *Улушили шитирок этишига асосланган молиялаштириши*. Бунда, Ислом банки шартнома бўйича шерик бўлиб, даромад ва таваккалчиликни тадбиркор билан бўлишади.

2020 йилда глобал Ислом банкчилиги активлари 2,3 трлн. АҚШ

долларидан ортиб, сўнгти икки йил ичида унинг йиллик ўсиши 14-15% ни, бутун Исломий молиялаштириш ҳажмидаги улуси эса, қарийб 70% ни ташкил этмоқда. Унинг ҳажми 2025 йилга бориб, 2020 йилга нисбатан 1,4 бараварга ортиб, 3,3 трлн. АҚШ долларига этиши прогноз қилинмоқда (3-расм). Дарчаларни ҳам кўшиб ҳисоблагандা, бутун дунё бўйлаб 74 та мамлакатда жами 527 та Ислом банклари фаолият кўрсатмоқда. 2020 йилда уларнинг 54% и ижобий натижаларга эришган бўлсалар, 81% и ўз фаолиятини соғ фойда билан якунлаган[7].

млрд. АҚШ долларида




3-расм. 2015-2020 йилларда Ислом банкчилиги активларининг ўсиши [7]

Ислом банкчилиги тизимли аҳамиятга эга бўлган мамлакатлар (масалан, Эрон, Саудия Арабистони, Малайзия, БАА, Қувайт, Қатар, Баҳрайн каби) Ислом банкчилиги активларининг аксарият қисмини (90% дан ортиқ) эгаллайди (4-расм) ва Исломий молия соҳасининг ўсишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатлар тизимли аҳамиятга эга ҳисобланади, агарда “мамлакатдаги жами

Ислом банкчилиги активлари унинг умумий ички банк сектори активларининг 15% идан ортиғини ташкил этса ёки глобал Ислом банкчилиги активларининг камида 5% ини эгалласа ва Ислом банкчилиги сегменти Ислом молиясининг тизимли аҳамияти учун мезон сифатида қаралса, чунки Исломий молиявий активларнинг қарийб 80% и банк секторида жойлашган” [8].



4-расм. 2020 йилда дунё мамлакатларининг глобал Ислом банкчилиги активларидаги улушлари [8]

Исломий молиялаштиришни кенгайтириш учун тегишли стратегияларни ишлаб чиқишида етакчилик қилаётган мамлакатларга Малайзия, Туркия, Индонезия ва Қозоғистон мисол бўла олади.

Малайзия. Малайзия глобал Исломий молиявий хизматлар соҳасида етакчи ҳисобланади. Асосий тартибига солувчи институтлар - Негара Малайзия Банки, Миллий Шариат Кенгаши, Қимматли қофозлар комиссияси ва Бурса Малайзия (Бурса). Ҳуқуқий муҳитдан кўриниб турибдики, Негара Малайзия Банки ва Миллий Шариат Кенгаши

Ислом қонунларига риоя қилишни таъминлаш учун ҳамжиҳатлиқда ишлайди. Қимматли қофозлар комиссияси Малайзиянинг капитал бозорларини тартибига солади, Бурса Малайзия эса, қимматли қофозлар алмашинувини таъминлайди ва бошқаради.

Малайзия Исломий молия бўйича етакчи бўлгани учун улар Ислом банкчилиги бўйича яхши иқтидор эгаларини фаол ривожлантироқда. Малайзия ҳукумати Исломий молия соҳасида таълимни ривожлантириша фаол иштирок этмоқда. Улар ихтисослашган институтларни қўллаб-

қувватлайди ҳамда хорижий ривожланиш ва ҳамкорликни рағбатлантирадилар. Малайзиядаги Ислом банкчилиги бўйича тренингни таклиф қилувчи университетларга қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

- ✓ INCEIF;
- ✓ Малайзия халқаро Ислом университети;
- ✓ UCSI университети.

Индонезия. Мусулмон ахолисининг кўплиги бўйича дунёда етакчи ҳисобланадиган Индонезия Исломий молиянинг ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга мамлакатdir. Кўпчилик эксперталар Индонезия узоқ муддатли истиқболда Исломий молия соҳасида асосий ўйинчи бўлишини кутишмоқда. Индонезиянинг Исломий банкчилиги секторининг активлари қиймати 38 миллиард АҚШ долларига етди ва унинг бозор улуши 6 фоиздан ортди [9]. Юрисдикцияда Ислом банкчилиги секторининг ўсиш истиқболларига рақамлаштиришга бўлган интилишнинг кучайиши сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда Исломий молиялаштириш бозорининг устунлиги шундаки, юқори даражадаги, кенг қамровли ва мувофиқлаштирилган ҳукумат назорати KNEKS кўлида бўлиб, у тўғридан-тўғри мамлакат Президентига ва Вице-президентига бўйсунади. Индонезиянинг қисқа ва ўрта муддатли устувор стратегияси ҳудудий банкларни Шариатга мувофиқ банкларга кўпроқ айлантиришдан иборат. 2021 йил бошида учта давлат банкининг бирлашиши натижасида Bank Syariah Indonesia ташкил этилганида, мамлакат ўзининг ислом банкчилиги манзарасида катта ўзгаришларни кўрди. Бунгача иккита банк тўлиқ Исломий банкларга айлантирилган эди. Мамлакат,


шунингдек, кўпроқ исломий микромолия институтларига эга бўлиши режалаштироқда. Индонезия Банки Шариат банкчилиги қўмиталари, Шариат тижорат банклари ва Шариат бизнеслари тўғрисида тартибга солувчи қоидаларга эга. Капитал бозорлари Индонезия Молиявий хизматлар бошқармаси томонидан тартибга солинади.

Туркия. Туркия аҳолисининг 95 фоизидан ортиғи мусулмон бўлиб, у Исломий молиялаштиришни ривожлантириш учун катта салоҳиятга ва яхши истиқболга эга бўлган мамлакатdir. Туркия аллақачон жиддий равишда истеъмолчига йўналтирилган Исломий молия секторини ривожлантиришга киришган. Иштирокчилик мамлакатда Ислом банкчилигининг асосий манбаи ҳисобланади. Ислом банкчилиги Туркияга 1983 йилда кириб келган ва шариатга мувофиқ банк ишининг Туркия молия тизимида қўлланилиши 1985 йилда биринчи Махсус молия уйларининг ташкил этилишидан бошланган. Иштирокчилик банкларининг асосий хусусияти шундаки, улар барча банк маҳсулот ва хизматларини фоизсиз асосда таклиф этадилар. Фоиздан ҳолилик тамойили бўйича фаолият юритувчи иштирокчилик банклари барча турдаги банк фаолиятини ушбу қоидага тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширадилар.

Ҳукумат 2019 йилда “Emlak Katilim” иштирокчилик банкига Исломий кредитор сифатида лицензия берди ва бу Туркиянинг олтинчи Шариатга мувофиқ банкига айланди. Бундан аввал, 2015 йилда “Ziraat Katilim” иштирокчилик банки ва 2016 йилда “Vakif Katilim” иштирокчилик банки давлат Ислом банклари ташкил этилган

эди. Ҳозирги вақтда мамлакатда олтига иштирокчилик банклари (Kuveyt Turk, Albaraka Turk, Türkiye Finans, Ziraat Katilim, Vakif Katilim va Emlak Katilim) фаолият кўрсатмоқда.

Куйидаги 5-расмда Туркия Иштирокчилик банкларининг активлари ва уларнинг бозор улушининг ўсиши динамикаси көлтирилган.



5- расм. 2015-2020 йилларда Туркияда Иштирокчилик банкларининг активлари ва уларнинг бозор улушининг ўсиши динамикаси [10]

Шу билан бирга, “Moody’s глобал рейтинг агентлиги Туркиядаги исломий банк активлари келгуси беш йил ичida икки баравар кўпайишини тахмин қилмоқда, чунки Ҳукумат ташаббуслари ушбу секторда ўсишни таъминламоқда” [11].

Натижалар. Ўзбекистонда Исломий молиялаштириш амалиётини ёйиш борасида эътиборга молик бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, 2019 йилда биринчи Такофул (Ислом суғуртаси) компанияси – “Узаро” ўз фаолиятини бошлаган, шунингдек яқинда Марказий Осиёдаги биринчи финтех лойиҳаси бўлган “E-Murabaha” платформаси ишга туширилди. Иккита лизинг компанияси (Taiba Leasing ва Al Mulk Capital Leasing) хусусий секторга Шариат тамойиллари асосидаги ижара маҳсулотларини тақдим этиб келмоқда [12]. Шунингдек, “Исломий молия

соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатиши фаолияти билан шуғулланувчи Islamic Business and Finance (IsBF) компанияси ташкил этилди ҳамда “Ислом молияси” Telegram саҳифаси ва веб сайти ишга туширилди” [13].

2019 йил март ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом Тараққиёт Банки Гурӯҳи ва Араб Мувофиқлаштириш Гурӯҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида” [14] ги Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Ислом Тараққиёт Банки Гурӯҳи ва Араб Мувофиқлаштириш Гурӯҳи билан узоқ муддатли шериклигининг асосий йўналишлари қаторида банк секторида Исломий молиялаштириш асосларини жорий этиш ҳамда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик

субъектларининг инвестиция лойиҳаларини кўллаб-куватлаш, уларнинг экспорт имкониятларини мустаҳкамлаш учун Ислом Тараққиёт Банки Гурухи аъзолари ва Араб Мувофиқлаштириш Гурухи жамғармаларининг молиявий ресурслари ва маҳсулотларини фаол жалб этиш назарда тутилган. Шунингдек, 2019 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом Тараққиёт Банки Гурухи ва Араб Мувофиқлаштириш Гурухининг жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” [15] ги Карори қабул қилинган. Унда Ислом Тараққиёт Банки Гурухи ва Араб Мувофиқлаштириш Гурухи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Ҳаракатлар режаси (Йўл харитаси) тасдиқланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Ислом банкчилиги ва молияси учун меъёрий-хуқуқий асосларни ишлаб чиқиш бўйича грант Битими 2021 йилнинг сентябр ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислом Тараққиёт Банки Бошқарувчилар Кенгашининг 46-йиллик йиғилиши доирасида имзоланди [16].

2019 йилда бир қанча Ўзбекистон банклари Исломий дарча шаклида Ислом банкчилигини ривожлантириш ниятлари борлигини маълум қилдилар. Булар қаторида давлатга қарашли бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Агробанк”, “Трастбанк” ҳамда хусусий “Капиталбанк”, “Азия Аллианс Банк”, “Ипак йўли” банклари бор эди. Бундан ташқари, “Трастбанк” Ислом дарчаси фаолияти бўйича IT-хизмат провайдерлари билан музокаралар ўtkazgan ва “Ипак Йўли” банки Ислом Тараққиёт Банкининг Марокашда бўлиб

ўтган 44-йиғилишида расман Меморандум имзолаган. Шунингдек, 2019 йилда ICD ва “Ўзсаноатқурилишбанк” ўртасида “Ислом дарчаси”ни ташкил этиш учун техник кўмак ва маслаҳат хизматларини кўрсатиши бўйича икки томонлама шартнома имзоланган. Унга кўра, “ICD ушбу банккага “Ислом дарчаси” ваколатига кирувчи масалаларни ишлаб чиқиша, Шариат жиҳатлари, молиявий ҳисботлар таҳлили, ахборот технологиялари, маркетинг ва коммуникациялар, кадрлар бошқаруви, жойлардаги хуқуқий масалалар бўйича комплекс ечимларни топишда амалий ёрдам кўрсатади” [17]. Ислом Тараққиёт Банки Гурухининг ҳар иккала ташкилотидан (ICD ва ITFC) жалб қилинган капиталнинг Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасида жойлаштирилиши *Муробаҳа* шаклида амалга оширилган. Ўзбекистон банклари ҳалигача *Музораба* ёки *Мушорака* каби рискли молиявий воситалардан фойдаланмаган.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиявий кўллаб-куватлашда Ислом Тараққиёт банки Гурухининг аъзолари - Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ва Халқаро ислом савдони молиялаштириш корпорациясининг роли жуда муҳимдир. Бироқ, юқорида келтирилган таҳлилларимиз ICD томонидан ажратилаётган маблағларнинг йил сайин камайиб бораётганлигини, ITFC томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг ўсишига қарамасдан, ҳали унинг салмоғи жуда ҳам паст даражада сакланиб қолаётганлигини ҳамда ушбу ташкилотлар томонидан амалдаги молиялаштириш шакллари ҳам фақатгина

Муробаҳага асосланган битимлар билан чекланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги ҳозирги вазият мамлакатда Исломий муассасалар фаолияти учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит мавжуд эмаслигига қарамасдан, Ислом банкчилигини жорий этиш, Ислом банклари ва дарчалари этиш, Ислом банклари ва дарчалари

фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда Исломий банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф этиш учун етарли даражада қулай ҳисобланади. Юқоридаги фикрнинг исботи сифатида қўйидаги 2-жадвалда Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиш ва ривожлантиришнинг SWOT таҳлили келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиш ва ривожлантиришнинг SWOT таҳлили¹

№	1. Кучли томонлари	№	2. Имкониятлар
1.1.	Мамлакатда Ислом молиясининг аҳамияти тушиниб етилганлиги ва уни амалиётга жорий этиш вақти келганлигининг айнан Давлат раҳбари томонидан эътироф этилганлиги	2.1.	Туркий давлатлар ташкилоти доирасида аъзо мамлакатлар, шу жумладан Туркия ва Қозогистон билан биргаликда Исломий молиялаштириш соҳасини ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш
1.2.	Ислом Тараққиёт банки ва унинг Гурухи билан узоқ йиллик мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги	2.2.	Ислом тараққиёт банкининг техник ёрдами билан мамлакатда Исломий молиялаштиришни жорий қилиш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши
1.3.	Анъанавий банклар томонидан Ислом Тараққиёт банки Гуруҳидан Исломий молиялаштириш маблағларини жалб қилиш бўйича катта тажриба орттирилганлиги	2.3.	Банк-молия тизимини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни молиявий инклюзивликни ошириш нуқтаи-назаридан такомиллаштириш
1.4.	Бир қанча анъанавий банклар томонидан ўзларининг алоҳида таркибий бўлинмалари (Ислом дарчалари каби) орқали Исломий молиявий маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этишга қизиқиш билдирилганлиги	2.4.	Иқтисодий, молия ва бизнес йўналишидаги мавжуд миллый олий таълим муассасаларида ва тегишли хорижий олий таълим муассасаларида Ислом банкчилиги ва молияси соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш
1.5.	Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг Ўзбекистондаги бир қанча анъанавий банкларга Ислом дарчалари фаолиятини йўлга қўйишида ёрдам кўрсатишига тайёрлиги	2.5.	Тошкент шаҳрида Исломий молиявий марказ ташкил этиш ва кейинчалик уни минтақавий даражага кўтариш
1.6.	Исломий молиявий инфратузилманинг ишлаши учун	2.6.	Ахборот ва молиявий технологиялар ёрдамида рақамли Ислом

¹ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	хуқуқий асос яратишга ИТБнинг грантини жалб қилиш бўйича келишувгэ эришилганлиги		банкчилигини афзаликларидан самарали кенг ва фойдаланиш
1.7.	Аҳоли ва бизнес субъектлари томонидан Исломий молиявий маҳсулот ва хизматларига бўлган қондирилмаган талабнинг потенциал юқори даражаси		
№	3. Кучсиз томонлари	№	4. Тахдидлар
3.1.	Мавжуд қонунчиликнинг Исломий молиялаштириш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва уни тартибга солиш масалаларини ўз ичига қамраб олмаганлиги. Ислом банкчилиги ва исломий молиялаштириш бўйича алоҳида қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги	4.1.	<p>Соҳта муассасалар томонидан молиявий фирибгарликлар амалга оширилиши эҳтимолининг мавжудлиги.</p> <p>Бу истеъмолчилар томонидан умуман Ислом банклари ва исломий молиялаштириш маҳсулотларига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келиши мумкин</p>
3.2.	Инфратузилма шаклланмаганлиги, соҳани мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаганлиги хамда асосий бозор иштирокчилари, шу жумладан тўлиқ Ислом банклари ва бошқа молия муассасаларининг амалда мавжуд эмаслиги	4.2.	Қонунчилик ва тартибга солувчи органлар раҳбарияти ва ходимларининг соҳани яхши тушунмаслиги ёки манфаатдор бўлмаслиги сабабли Ислом банкчилиги ва молиясининг қабул қилинмаслиги.
3.3.	Аҳоли ва бизнес субъектларининг Ислом банкчилиги ва исломий молиялаштириш маҳсулотлари ҳақида билими ва хабардорлигининг жуда паст даражаси	4.3.	Исломий банкларнинг анъанавий молиявий хизматларни тақдим этувчи молия муассасалари томонидан кучли рақобатга дуч келиш хавфининг мавжудлиги
3.4.	Исломий молиялаштириш соҳасида зарур билимларга ва тажрибага эга бўлган малакали ходимларнинг ва банк ишидан хабардор бўлган Шариат олимларининг етишмаслиги		
3.5.	Соҳада илм-фан ва таълим ташаббусларининг етишмаслиги. Маҳаллий олий таълим муассасаларида Исломий молиялаштириш соҳасида олий маълумотли мутахassislarни тайёрлаш таълим дастурларининг йўлга қўйилмаганлиги		
3.6.	Мавжуд молиявий тизимининг инклузив эмаслиги ва унга интеграциялашувнинг қийинлиги.		

Мамлакатда

молиялаштиришни жорий этиш вақти келганлигининг Давлат раҳбари томонидан эътироф этилганлиги, ИТБ ва унинг Гурухи билан узоқ йиллик мустаҳкам ҳамкорликнинг ҳамда анъанавий тижорат банкларининг Исломий молиялаштиришни жалб қилиш бўйича катта тажрибасининг мавжудлиги, анъанавий банкларнинг аҳолига молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг муқобил турларини тақдим этиш учун ўз Исломий бўлинмаларини (Ислом дарчалари) очишга қизиқиши билдираётганлиги, ИТБ Гурухига киравчи Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг Ўзбекистон анъанавий банкларига Ислом дарчалари фаолиятини йўлга қўйишида ёрдам кўрсатишига тайёрлиги, Исломий молиявий инфратузилманинг ишлаши учун ҳуқуқий асос яратишига ИТБнинг грантини жалб қилиш бўйича келишувга эришилганлиги, қолаверса аҳоли ва бизнес субъектлари томонидан муқобил банк маҳсулот ва хизматларига бўлган қондирилмаган талабнинг потенциал юқори даражаси Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этишини қўллаб-куvvatlovchi кучли омиллар бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, мавжуд қонунчиликнинг, шу жумладан банк-молия ва солиқ қонунчилигининг Исломий молиялаштириш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва уни тартибга солиш масалаларини ўз ичига қамраб олмаганлиги, Ислом банкчилиги ва Исломий молиялаштиришга доир алоҳида қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, шаклланмаганлиги, мувофиқлаштириш

Исломий

молиялаштиришни жорий этиш вақти келганлигининг Давлат раҳбари томонидан эътироф этилганлиги, ИТБ ва унинг Гурухи билан узоқ йиллик мустаҳкам ҳамкорликнинг ҳамда анъанавий тижорат банкларининг Исломий молиялаштиришни жалб қилиш бўйича катта тажрибасининг мавжудлиги, анъанавий банкларнинг аҳолига молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг муқобил турларини тақдим этиш учун ўз Исломий бўлинмаларини (Ислом дарчалари) очишга қизиқиши билдираётганлиги, ИТБ Гурухига киравчи Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг Ўзбекистон анъанавий банкларига Ислом дарчалари фаолиятини йўлга қўйишида ёрдам кўрсатишига тайёрлиги, Исломий молиявий инфратузилманинг ишлаши учун ҳуқуқий асос яратишига ИТБнинг грантини жалб қилиш бўйича келишувга эришилганлиги, қолаверса аҳоли ва бизнес субъектлари томонидан муқобил банк маҳсулот ва хизматларига бўлган қондирилмаган талабнинг потенциал юқори даражаси Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этишини қўллаб-куvvatlovchi кучли омиллар бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, мавжуд қонунчиликнинг, шу жумладан банк-молия ва солиқ қонунчилигининг Исломий молиялаштириш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва уни тартибга солиш масалаларини ўз ичига қамраб олмаганлиги, Ислом банкчилиги ва Исломий молиялаштиришга доир алоҳида қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, шаклланмаганлиги, мувофиқлаштириш

коёйилмаганлиги ҳамда асосий бозор иштирокчилари, шу жумладан тўлиқ Ислом банклари ва бошқа молия муассасаларининг мавжуд эмаслиги, аҳоли ва бизнес субъектларининг Ислом банкчилиги ва исломий молиялаштириш маҳсулотлари ҳақидаги билимлари ва хабардорлигининг жуда паст даражаси, ҳозирги вақтда Исломий молиялаштириш соҳасида зарур билимларга ва тажрибага эга бўлган малакали ходимлар ҳамда Ислом ҳуқуқи ва фикҳ илмини ўрганган ва банк ишидан хабардор бўлган Шариат олимларининг етишмаслиги, шунингдек соҳада таълим ташабbusларининг етарли эмаслиги, миллий олий таълим муассасаларида

Исломий молиялаштириш соҳасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари йўлга қўйилмаганлиги, мавжуд молиявий тизимнинг инклузив эмаслиги ва унга интеграциялашувнинг қийинлиги каби Ислом банкчилигини жорий этишини қийинлаштирадиган бир қатор муаммолар мавжуд. Бундан ташқари, соҳта муассасалар томонидан молиявий фирибгарликлар амалга оширилиши эҳтимолининг мавжудлиги истеъмолчилар томонидан умуман Ислом банклари ва исломий молиялаштириш маҳсулотларига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, қонунчилик ва тартибга солувчи органлар раҳбарлари ва ходимларининг соҳани яхши тушунмаслиги ёки манфаатдор бўлмаслиги сабабли Ислом банкчилиги ва молиясининг қабул қилинмаслиги, шунингдек анъанавий молиявий хизматларни тақдим этувчи молия муассасалари томонидан кучли рақобатга дуч келиш каби хавф-хатарлар мавжуд. Шу каби ва бошқа таҳдидлар Ўзбекистонда Ислом банкчилигини

муваффақиятли жорий этилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Мунозара. Ўзбекистонда Ислом банкчилитини жорий этиш учун устувор равишда Малайзия, Туркия, Индонезия ва Қозоғистон каби мамлакатларнинг тажрибасига таянган ҳолда, иккилик банк тизими модели асосида анъанавий банкларга муқобил вариант сифатида Ислом банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг ҳам фаолият кўрсатишига рухсат берувчи қонунчилик ва тартибга солувчи муҳит ҳамда Исломий молиявий инфратузилма яратилиши лозим.

Бунинг учун, юқорида кўрсатиб ўтилган мамлакатларнинг Ислом банкчилигини жорий этиш ва ривожлаштиришга қаратилган тажрибаларидан келиб чиқсан ва фойдаланган ҳолда, Ислом Тараққиёт банки ва бошқа ҳалқаро Ислом молия ташкилотлари билан биргалиқда, Ўзбекистонда Исломий молиялаштиришни ривожлантириш бўйича тегишли стратегия (ёки бош режа) ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Исломий молиялаштиришни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатда Ислом банкчилигини жорий қилиш ва ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур стратегия Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиш ва Исломий молиялаштиришни ривожлантиришда ҳозирда мавжуд юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни тизимли бартараф этиш имкони беради.

Стратегия қўйидаги асосий устувор йўналишларни ўз ичига қамраб олиши керак:

- Қонунчиликни такомиллаштириш ва соҳани хуқукий тартибга солиш;
- Секторни давлат томонидан мувофиқлаштириш;
- Соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва маҳсулотларни стандартлаштириш;
- Исломий молиявий инфратузилмани ривожлантириш;
- Исломий молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш;
- Маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш;
- Ахборот-тушинтириш ва хабардорликни ошириш ишларини олиб бориш;
- Соҳада илм-фан ва таълим инфратузилмасини ривожлантириш;
- Ходимлар салоҳиятини ошириш, тренинг ва сертификатлаш дастурларини ривожлантириш;
- Соҳада ракамлаштириш салоҳиятини ошириш;
- Корпоратив коммуникацияларни ривожлантириш;
- Ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва инвесторлар билан ишлаш.

Ўзбекистонда Ислом банкчилиги ва молиясини жорий этиш ва ривожлантириш стратегияси босқичмабосқич, яъни қўйидаги уч босқичда амалга оширилиши тавсия этилади.



6-расм. Ўзбекистонда Ислом банкчилиги ва молиясини жорий этиш ва ривожлантириш стратегияси босқичлари²

Биринчи босқичда, асосий эътибор, конунчиликни такомиллаштириш ва соҳани ҳуқуқий тартибга солиш, секторни давлат томонидан мувофиқлаштириш, Исломий молиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, ахборот-түшинтириш ва хабардорликни ошириш ишларини олиб боришига қаратилади.

Иккинчи босқичда, дастурнинг диққат марказида Исломий молиявий инфратузилмани ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш, ходимлар салоҳиятини ошириш, тренинг ва сертификатлаш дастурларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва инвесторлар билан ишлаш масалалари туради.

Учинчи босқичда, соҳада бошқарувни такомиллаштириш, шу жумладан Маслаҳат кенгашларини тузиш ва корпоратив коммуникацияларни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш, илм-фан ва таълим инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда рақамлаштириш салоҳиятини ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Белгиланадиган стратегик йўналишлар дастлабки босқичда асосан мавжуд муаммолар ва тўсикларни бартараф этишга қаратилса, кейинги босқичларда соҳани истиқболда ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қиласди.

Хуносা. Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда айтиш мумкини, қўпчилик мамлакатларда иккилик банк тизимлари мавжуд бўлиб, у ерларда Ислом банклари анъанавий банклар билан ёнма-ён ишлайдилар. Анъанавий банклар Исломий молиявий воситаларни ўзларининг Исломий дарчалари, алоҳида филиаллари ва шўйбалари орқали амалга

² Манба: хорижий тажриба асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оширадилар. ИХТ доирасида Исломий молиялаштириш ривожланаётган кўпгина хорижий мамлакатлар, шу жумладан биз таҳлил қилган Малайзия, Индонезия, Туркия ва Қозоғистон каби давлатлар иккилик банк тизими ёндошуви йўлини танлаганлар. Шунингдек, Ислом банкчилиги ва молиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратувчи мамлакатлар соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайдиган стратегияларни ишлаб чиқсанлар.

Ҳозирги кунда Исломий молияни жалб қилишнинг асосий манбаи сифатида айнан Ислом тараққиёт банки Гурухининг инвестициялари бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда исломий молиялаштириш амалиётини ривожлантиришда Ислом Тараққиёт банки Гурухининг бошқа ташкилотлари, хусусан ICD ва ITFC билан хусусий сектор лойиҳаларини ҳамда савдони молиялаштириш йўналишида ҳамкорликни кенгайтириш учун мавжуд салоҳият ва имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ислом Тараққиёт банки Гуруҳи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган Шариатга мувофиқ молиявий қўллаб-қувватлаш хизматлари фақатгина юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва ташкилотларгагина мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистонда ҳозирча аҳолининг Исломий молиявий маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари деярли мавжуд эмас.

Ислом тараққиёт банки Гурухининг ташқи инвестициялари ортиб бораётганига қарамасдан, аҳоли ва хусусий сектор учун мамлакатнинг ўзида Исломий молиялаштиришни ривожлантириш зарурати мавжуд.

Бу борада анъанавий тижорат банкларининг ICDнинг Маслаҳат гуруҳи ёрдамида Ислом дарчаларини ишга туширишга қаратилган режалари ва ҳаракатлари ҳозирча ўз натижаларини кўрсатгани йўқ.

Ўзбекистонда Ислом банкчилигини жорий этиш ва Исломий молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида, қўйидагилар таклиф этилади:

-Ислом Тараққиёт банки Гуруҳи билан ҳамкорлик истиқболларини нафақат мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини, балки хусусий сектор корхоналарининг лойиҳаларини ҳам молиялаштиришга, шунингдек хусусий секторнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган савдони молиялаштириш битимларини ошириш имкониятларини кўриб чиқишига қаратиш;

- Анъанавий банклар билан бирга Ислом банклари ҳам фаолият кўрсатадиган иккилик банк тизими моделини танлаш;

- Ўзбекистонда қонунчиликни такомиллаштириш ва соҳани ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини мавжуд қонунга алоҳида боб киритиш ёки алоҳида қонун орқали амалга ошириш;

- Соҳани ривожлантириш бўйича тегишли стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш мақсадида алоҳида мувофиқлаштирувчи муассасани (Ислом молиясини ривожлантириш асоциацияси ёки Исломий молия маркази) тузиш;

- Ўзбекистон анъанавий тижорат банкларининг Исломий молиявий маҳсулотлар ва хизматларни кўрсатишига ихтисослашган алоҳида таркибий бўлинмалари (хусусан, Ислом дарчалари) фаолиятини йўлга қўйиш;

- мавжуд “Ислом молияси” веб сайти ва Telegram саҳифасини қизиқарли мақолалар билан янада бойитиш орқали Ислом молиясининг жозибадорлигини ошириш ҳамда ушбу веб-сайт маълумотларини Facebook ва

Instagram каби бошқа ижтимоий тармоқлар орқали ҳам кенг тарғиб қилиш, шунингдек Исломий молиялаштиришга бағишлиланган маҳсус интерактив интернет портални яратиш имкониятини кўриб чиқиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.<https://kun.uz/news/2020/12/29/ozbekistonda-islom-moliyasi-xizmatlarini-joriy-qilish-vaqt-keldi-shavkat-mirziyoyev>
- 2.Ҳасанов Ҳ. Исломий молия асослари, “Ўзбекистон” НМИУ 2019.
- 3.Аброров С. Ўзбекистонда сукук - исломий қимматли қофозларни жорий этиш истиқболлари, Тошкент, 2020.
- 4.Nagimova A. “ISLAMIC FINANCE IN THE CIS COUNTRIES”. Academus Publishing, 2021.
5. Habib, S. F. Fundamentals of Islamic Finance and Banking, John Wiley & Sons Ltd., 2018, page 73.
6. Низомиддинов, М. “Ислом дарчалари: анъанавий банкинг учун янги имконият”, 2021.
7. REFINITIVE Islamic Finance Development Report 2021
8. Islamic Financial Services Board, 2015
9. Islamic Financial Services Board. Islamic Financial Services Industry Stability Report. Kuala Lumpur, Malaysia, June 2021.
10. Participation Banks Association of Turkey: Participation Banking Strategy Update Report 2021-2025.
11. <https://www.aa.com.tr/en/turkey/turkeys-steps-spur-profit-jumps-in-2020-for-interest-free-banks/2184826>
12. ICD Annual Development Effectiveness Report 2020
- 13.<https://kun.uz/news/2020/08/03/ozbekiston-islom-moliyasi-sohasida-mdh-yetakchisiga-aylanishi-mumkin>
14. <https://lex.uz/docs/4281729>
- 15.<https://lex.uz/docs/4351726>
16. <https://mift.uz/uz/news/islom-taraiet-banki-bosharuvchilar-kengashining-46-jillikanzhuman-i-jakunlari-sarisob-ilindi>
- 17.<https://sqb.uz/uz/press-center/news-en/icd-and-sanoat-qurilish-bank-new-horizons-and-prospects-of-cooperation/>